



## ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Аманов Аброржон Абдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Малака ошириш институти профессори  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17814661>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-noyabr 2025 yil  
Ma'qullandi: 28-noyabr 2025 yil  
Nashr qilindi: 30-noyabr 2025 yil

### KEY WORDS

хорижий мамлакатлар, давлат  
органлари, фуқаролик жамияти  
институтлари, ўзаро  
ҳамкорлик, таҳлил.

### ABSTRACT

Мақолада хорижий мамлакатларда давлат  
органлари ва фуқаролик жамияти институтлари  
ўзаро ҳамкорлигининг таҳлили хусусида фикр  
юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали  
ташқил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар  
билдирилган

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид муҳим ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий ҳамкорлигига оид хорижий тажрибани ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, яъни улардаги ҳамкорликнинг шакллари, усуллари ва тамойилларини тадқиқ этиш орқали уларнинг илғор ютуқларини миллий тизимимиз ва қонунчилигимизга имплементация қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, айтиш мумкинки, бугунги кунда дунёда мавжуд давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳим ўрин тутди.

Жумладан, ҳозирги глобаллашув даврида Европанинг кўпгина мамлакат-ларида давлат органлари билан жамоат тузилмалари бўлмиш фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги корпоратив ҳамкорлик кенг ривож топган. Масалан, Швеция, Дания, Австрия ва бошқа давлатларда «полициянинг дўстлари» номли клублар шаҳобчаси анча кенг тарқалган. Муниципал даражада полиция билан ҳамкорлик Кенгашлари фаолият юритади. Улар уч томонлама шартномалар, яъни полиция идораси, маҳаллий маъмурият ва аҳоли турар жойларидаги жамоатчилик тузилмалари ўртасида тузиладиган шартномалар асосида фаолият олиб боради<sup>1</sup>. Яна шунга ўхшаш «трипатризм» тамойили Германия, Бельгия, Испания, Португалия мамлакатларида ҳам давлат органлари билан фуқаролик жамиятининг ижтимоий шериклигининг асосини ташқил этади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Казаков С.О. Основные формы социального партнерства в России и Германии: сравнительно-правовой анализ. – Автореф. ... канд.юрид.наук. – М., 2015. – С.22-23.

<sup>2</sup> Казаков С.О. Ўша манба, – С.22-23.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этилиши фуқаролар, жамият ва давлатнинг манфаатлари бирдек рўёбга чиқишига хизмат қиладиган, мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Хусусан, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳонда нодавлат тузилмалар бўлмиш фуқаролик жамияти институтларининг сон ва сифат кўрсаткичларида тез ўсиш кузатилди. Жумладан, бугун биз яшаётган XXI асрнинг I чорагида ҳам дунёда инсонлар манфаатларига оид масалаларни ҳал этишда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги кун сайин кенгайиб, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда уларнинг сони жадаллик билан ортиб бормоқда. Масалан, АҚШда 1,5 миллион-дан ортиқ, Францияда 1,2 миллион, Ҳиндистонда 4,5 миллионга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган<sup>3</sup>.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, фуқаролик жамияти институтларининг сон ва сифат кўрсаткичлари ортиши билан бир қаторда давлат органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳам ҳамоханг тарзда такомиллаштирилмоқда. Яъни, давлат ва нодавлат сектори ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш борасида қатор хорижий мамлакатларда муайян тажриба тўпланган<sup>4</sup> десак муболаға бўлмайди. Ва уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ҳамда улардан миллий ҳуқуқий тизимимизни такомиллаштиришда фойдаланиш фойдадан холи эмас албатта.

Жумладан, олиб борган ўрганишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, ривожланган мамлакатлар, хусусан, ғарбий Европа давлатларида бугунги кунда бошқа минтақаларга нисбатан фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги нисбатан яхши ташкил этилган ва ижобий натижаларга эришилган ҳамда уларда мазкур субъектлар ҳамкорлигига оид муҳим ҳужжатларнинг қабул қилинганлигини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Ш.У. Якубов, мазкур йўналишда қабул қилинган ҳужжатларни икки мақсадга: *биринчидан*, улар фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишларини фаоллаштиришга, *иккинчидан*, давлатнинг аҳолига айрим хизматлар кўрсатиш вазифасини қисман енгиллаштирадиган ҳамкорлик механизмларини яратишга йўналтирилган<sup>5</sup> деб қайд этади.

Шунингдек, баъзи мутахассислар ушбу субъектлар ҳамкорлигига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатади:

1. Конфедерация даражасида қабул қилинган ҳужжатлар (масалан: Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича «Оқ китоби»<sup>6</sup>);
2. Парламент томонидан қабул қилинган ҳужжатлар (масалан, «Эстония фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» (ЕКАК)<sup>7</sup>);

<sup>3</sup> Проблемы гражданского общества // Обзор зарубежной литературы. –Т., 2018. Апрель. Редакции журнала «Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society». – С. 23-28.

<sup>4</sup> Буллейн Н., Тофтисова Р. Сравнительный анализ европейской политики и практики в области сотрудничества между государством и НПО. – Минск: ФУ Аинформ. – 2009. – С. 68-73.

<sup>5</sup> Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.130.

<sup>6</sup> Европа Иттифоқининг давлат бошқаруви масалалари бўйича «Оқ китоби» // <http://evropa.eu.int/eurLex/en/com/cnc/2001/com/2001/0428en01.pdf>.

<sup>7</sup> Эстониянинг Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. <http://www.emy.ee/alusdokumen>.

3. Икки томонлама расмий битимлар (масалан, Буюк Британия давлатлари ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар<sup>8</sup>);

4. Ҳукумат томонидан давлат дастурлари сифатида қабул қилинадиган «де-факто» битимлари («Хорватия ҳамкорлик дастури»<sup>9</sup>).

А. Юлдашев эса, Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландия давлатларида бу борада махсус органлар, алоҳида тартиб-таомиллар ва механизмлар кўринишида амалга ошириладиган корпоратив тизим мавжудлигини<sup>10</sup> қайд этади.

Юқорида қайд этилган, Европа Иттифоқи комиссияси томонидан қабул қилинган Европада давлат бошқаруви масалалари бўйича «Оқ китоби»<sup>11</sup> Европа Иттифоқи (ЕИ)да давлат бошқаруви усуллари модернизация қилинишини талаби асосида қабул қилинган ва ЕИ фуқаролари фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ҳамда уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларини назорат қилишлари асосий мақсад сифатида белгиланган. Ушбу ҳужжатда мазкур институтлар фаолиятлари янада қонуний тус олиши кераклиги ҳисобга олинган ва фуқаролик жамиятининг ҳам мажбуриятлари мавжудлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳам маслаҳат-лашувлар давомида Ноҳукумат ташкилоти (НХТ)нинг қарор қабул қилишда иштирок этиш, маслаҳатлашувлар самарадорлигини ошириш учун уларнинг тартибини такомиллаштириш, ҳокимият томонидан НХТ, шу жумладан барча секторлар ва институтларга кўпроқ эътибор бериш, кам сонли ташкилотлар билан чекланмасдан, барча иштирокчиларнинг кенг эътироф этилиши, шунингдек, комиссия томонидан ташкил этилган маслаҳатлашувларда иштирок этаётган фуқаролик жамияти институтларига шартномада алоҳида эътибор қаратилиши кераклигига нисбатан талаблари билдирилган<sup>12</sup>.

Парламент томонидан қабул қилинган ҳужжатларга эса, Эстонияда мам-лакат парламенти томонидан 2002 йил 22 декабрда қабул қилинган «Эстония фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»<sup>13</sup>ни қайд этишимиз мумкин. Эстониянинг ноижорат ассоциациялари ва жамғармалари маркази мазкур ҳужжатни қабул қилишнинг ташаббускори бўлган ва уни қабул қилинишида дастлаб, Эстониянинг ноҳукумат ташкилотлари сиёсатчилар билан учрашувларда концепцияни қабул қилишнинг эҳтимол тутилган стратегиясини муҳо-кама қилган ҳамда 1999 йилнинг

---

<sup>8</sup>Договор между правительством и общественным сектором Уэльса: [www.officialdocuments.co.uk.document/cm41/4107/4107.htm](http://www.officialdocuments.co.uk.document/cm41/4107/4107.htm); G. Шотландский договор: [www.scotland.gov.uk/library/documentsw3/comp](http://www.scotland.gov.uk/library/documentsw3/comp); Договор между правительством и общественным сектором Северной Ирландии: [www.nicva.org/compact.html](http://www.nicva.org/compact.html) G Договор об отношениях между правительством и общественным сектором Англии: [www.homeoffice.gov.uk](http://www.homeoffice.gov.uk).

<sup>9</sup> Национальная программа сотрудничества между правительством Республики Хорватия и общественным сектором «Вместе ради лучшего»: <http://www.uzuvrh.hr/eng/suradnjaENG.htm>.

<sup>10</sup> Юлдашев А. Ижтимоий шериклик муносабатлари: миллий ва хорижий тажриба // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 2015. – № 3. – Б. 62-65.

<sup>11</sup> Европа Иттифоқининг давлат бошқаруви масалалари бўйича «Оқ китоби» // <http://evropa.eu.int/eur-Lex/en/com/cnc/2001/com/2001/0428en01.pdf>

<sup>12</sup> Интернет-ресурсе НП «Юристы за гражданское общество» <http://map.lawcs.ru>. // «Исследование законодательно закрепленных возможностей диалога гражданского общества и государства».

<sup>13</sup> Эстониянинг Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. <http://www.emy.ee/alusdokumen>.

декабрь ойида «Эстониянинг сиёсий партия-лари билан учинчи сектор ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум»ни имзоланган ва у концепцияни ишлаб чиқишда асос вазифасини ўтаган. Хусусан, концепцияни тайёрлашда сиёсатчилар, олимлар ва НХТ экспертлари иш олиб борганлар.

Айтиш мумкинки, ушбу ҳамкорлик тарафларнинг ўз ҳошиш истакларига биноан, биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва музокаралари натижасидир. Ушбу йўналишдаги муҳим қадамлардан бирини Буюк Британия мисолида, яъни Буюк Британия давлатлари ва фуқаролик жамияти ўртасида тузилган шартномалар<sup>14</sup>да кўришимиз мумкин. Хусусан, Буюк Британиянинг ҳукумат ва НХТ вакиллари томонидан иккита ҳужжат яъни, ҳукумат ва ижтимоий сектор ўртасида расмий битим тузиш тавсия этилган Дикин комиссиясининг «Ижтимоий секторнинг келажаги» (1996 йил, июль) маърузаси ва лейбористлар партиясининг «Кела-жакни биргаликда қураимиз: лейбористларнинг ҳукумат ва ижтимоий сектор ўртасида шерикчилиги соҳасидаги сиёсати» (1997 йил, февраль) Буюк Британия шартномалари<sup>15</sup> қабул қилинишига асос бўлган. 1997 йилнинг июлида НХТнинг энг йирик ташкилотлари конференцияси қатнашчилари бундай битим тузилиши зарурлигини тасдиқлаганлар. Шартномани ишлаб чиқиш бўйича НХТ етакчи экспертлари ва илмий ходимларидан иборат гуруҳ ташкил этганлар. Буюк Британиянинг тўрт шартномаси – Англия, Уэльс, Шотландия ва Шимолий Ирландия ҳукуматлари билан шартномалар бир неча ой давом этган маслаҳат-лашувлардан сўнг 1998 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида имзоланган. Ва бу бундай турдаги ҳужжатлар тарихида биринчиси бўлган. Миллий шартномалар-дан сўнг маҳаллий ижтимоий сектор билан маҳаллий кенгашлар ёки бошқа давлат органлари ўртасида ҳам маҳаллий даражадаги шартномалар имзоланган.

Ҳукумат томонидан давлат дастурлари сифатида қабул қилинган «де-факто» битимларга мисол сифатида 2000 йилнинг декабрь ойида Хорватия ҳукумати томонидан ҳукуматнинг НХТ билан ҳамкорлик бўйича бошқармаси ташаббусига кўра, ҳукумат билан учинчи сектор ўртасидаги ҳамкорлик тамойиллари баён этилган «Хорватия ҳамкорлик дастури»ни қайд этишимиз мумкин. Ушбу дастурнинг асосини «Хорватияда фуқаролик жамиятини ривож-лантириш – давлат, маҳаллий бошқарув органлари ва НХТ ўртасидаги ҳамкор-лик модели» мавзуидаги битта миллий ва тўртта минтақавий семинарлар якуни ташкил этган. Мазкур дастур лойиҳасини тайёрлашга 16 000 дан кўпроқ НХТ таклиф этилган. Ишчи гуруҳи таркибини давлат, ноҳукумат, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда Хорватияда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари ташкил этганлар<sup>16</sup>.

Юқорида қайд этилган амалиётга ўхшаш ҳолатни Германия ва Венгриядавлатларида ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, Германиянинг Ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги томонидан «Камбағалликни камайтириш тўғри-

<sup>14</sup> Договор между правительством и общественным сектором Уэльса: [www.officialdocuments.co.uk.document.cm41/4107/4107.htm](http://www.officialdocuments.co.uk/document/cm41/4107/4107.htm); Шотландский договор: [www.scotland.gov.uk/library/documents-w3/comp](http://www.scotland.gov.uk/library/documents-w3/comp); Договор между правительством и общественным сектором Северной Ирландии: [www.nicva.org/compact.html](http://www.nicva.org/compact.html) G Договор об отношениях между правительством и общественным сектором Англии: [www.homeoffice.gov.uk](http://www.homeoffice.gov.uk).

<sup>15</sup> <http://www.thecompany.org.uk>.

<sup>16</sup> Национальная программа сотрудничества между правительством Республики Хорватия и общественным сектором «Вместе ради лучшего»: <http://www.uzuvrh.hr/eng/suradnjaENG.htm>.

сидаги сиёсий ҳужжати»<sup>17</sup> халқаро ёрдам кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган Германия НХТлари билан маслаҳатлашувлар якунига ва бу ташкилотлар ташаббусига кўра қабул қилинган. Венгрияда эса, 2003 йилнинг июнь ойида ҳукумат томонидан «Венгриянинг давлат стратегияси»<sup>18</sup> қабул қилинган. Венгрияда ушбу стратегияни ишлаб чиқиш 2002 йилнинг август ойида бошланган бўлиб, ҳукумат фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва ахборот айирбошлашни ўзининг устувор мақсадлари сифатида эълон қилган<sup>19</sup>.

Шу каби амалиётни Дания давлатида ҳам кузатишимиз мумкин, яъни, Ижтимоий ривожланиш ва Маданият вазирликлари ташаббуси асосида «Дания ўзаро ҳамкорлик хартияси»<sup>20</sup> ишлаб чиқилган ва унинг матни ҳукумат ҳамда жамоатчилик сектори вакилларида иборат бўлган ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган ва оммавий муҳокамалардан ўтганидан сўнг ҳукумат томонидан қабул қилинган.

Мазкур Европа мамлакатлари тажрибаси давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини акс эттирувчи стратегик ҳужжатларнинг амалий мисоли десак муболаға бўлмайди. Ушбу битимлар ва баёнотлар давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари учун бирдек муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур ҳужжатлар фуқаролик жамияти институтларининг қўллаб-қувватланишига ҳамда уларнинг жамият манфаатлари йўлидаги фаолиятлари кенгайтирилишига имконият яратиши, шу билан бирга, давлат органларига ўз вазифаларини тўлиқ ва муваффақиятли бажариш имконини бериши шубҳасиздир. Зеро, ҳар қандай давлатда жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда шу жамият аъзоларининг ҳоҳиш истакларини рўёбга чиқаришни ният қилган демократик институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан бундай стратегик ҳужжатларни қабул қилиш, бошқача айтганда, фуқаролик жамияти институтларига эътибор қаратиш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб билган демократик институтлар фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Шу билан бирга, бундай ҳужжатларнинг қабул қилиниши давлат органларининг ўз функцияларини самарали бажаришида ҳам ўзига хос қулай-ликларни юзага келтиради. Лекин, ҳамкорлик тўғрисидаги бундай ҳужжатлар умумий хусусиятга эга бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳисобланмайди ҳамда улар молиялаштиришнинг аниқ қоидаларини белгилаб бермайди. Ушбу ҳужжатларда давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга оид механизмларни яратиш назарда тутилади ва бу жараёнлар давлатларнинг фуқаролик жамияти институтларига нисбатан муносабатини ижобий томонга ўзгаришига ва фуқаролик жамияти

<sup>17</sup> Ривожланаётган мамлакатларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашиш: ривожланиши соҳасида ҳамкорликнинг Европа намунаси // [http://www.diegdi.de/DIE\\_Homepage.nsf](http://www.diegdi.de/DIE_Homepage.nsf) OpenElement; Eva Weidnitzer, German Aid for Poverty Reduction, Berlin: Deutsches Institut für Entwicklungspolitik; <http://www.euforic.org/projects/povcasde.htm>.

<sup>18</sup> Государственная стратегия Венгрии в отношении гражданского общества. <http://www.nonprofit.hu>

<sup>19</sup> Буллейн Н., Тофтисова Р. Сравнительный анализ европейской политики и практики в области сотрудничества между государством и НПО. – Минск: ФУ Аинформ. – 2009. – С. 68-73.

<sup>20</sup> Danish Charter for interaction between Volunteer Denmark / Associations Denmark and the public sector (Датская хартия по взаимодействию Сети добровольцев и общественных организаций Дании с государственным сектором): <http://friv.wizards>.

институтларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган қонунларнинг яратилишига, давлатнинг замонавий стратегиясидан келиб чиқиб, уларни ўзгартирилишига ва такомиллашувига замин яратади.

Ш.У. Якубов, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришда яна бир муҳим омил, мазкур жараённи амалга оширувчи, давлат ва нодавлат сектори ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи институтларнинг ташкил этилиши ва уларнинг самарали фаолияти учун ҳуқуқий асосларнинг яратилиши алоҳида аҳамиятга эга<sup>21</sup> деб таъкидлайди. Хусусан, хорижий мамлакатлар тажрибасида бундай институт-ларни ташкил этиш борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланган. Лекин, таъкид-лаш лозимки, айнан давлат ва нодавлат секторининг ўзаро ҳамкорлигига хизмат қиладиган институционал асоснинг ягона модели мавжуд эмас. Уларнинг шакл-лари эса, аниқ бир давлат ва вазиятдан келиб чиққани ҳамда мамлакат ҳуқуқий тизимидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилгани учун, шунингдек, уларда амал қилувчи турли сиёсий тизим ҳамда қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда янада хилма-хил ва турлича кўринишга эга<sup>22</sup>. Умуман, Европа давлатларида, одатда, икки сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча хилма-хил шакллари ва институтларини қамраб оладиган ягона марказлашган тизимнинг ўзи мавжуд эмас. Чунки улар «юқоридан» белгилаб берилмаган, балки, Европанинг ғарбий қисмида ўнлаб, баъзан эса юзлаб, шарқий қисмида эса кейинги 10 – 15 йил давомида табиий равишда шаклланган. Шундан келиб чиқсак, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам турличадир<sup>23</sup>.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ушбу йўналишда хорижий давлатлар тажрибасининг таҳлили шундан далолат берадики, уларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга масъул ташкилотлар мавжуд. Шу билан бирга, мазкур ташкилотларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солишга оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлигини ҳам гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги таҳлилига оид тадқиқот олиб борган мутахассислар мазкур институтларни икки асосга кўра таснифлайдилар:

*биринчидан*, ҳамкорликни амалга оширишдаги функцияларига кўра (рўйхатга олиш ва фаолияти устидан назорат қилувчи, нодавлат ноижорат ташкилотлар (ННТ)нинг қарорлар қабул қилишда иштирок этишини кафолатловчи ва ҳ.к.)

*иккинчидан*, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигини амалга оширувчи ташкилотнинг давлат бошқаруви тизимидаги ўрнидан келиб чиқиб.

Шунингдек, бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибасида мазкур субъектлар ҳамкорлигини таъминловчи институтларнинг парламент, вазирлик ва қўмиталар таркибида ташкил этилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан,

<sup>21</sup> Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.135.

<sup>22</sup> Юлдашев А. Ижтимоий шериклик муносабатлари: миллий ва хорижий тажриба // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 2015. – № 3. – Б. 62-65.

<sup>23</sup> Государство и гражданское общество: практика эффективного взаимодействия. Международный опыт: сб. ст. и док. / сост. Е. Б. Тонкачёва, Г. Б. Черепок. – Минск: ФУ Аинформ. – 2009. – С. 68-73.

Венгрияда Фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлаш бўйича Парламент қўмитаси 1990 йиллар бошидан бери фаолият кўрсатиб келади. У аввал миллий ассоциацияга давлат бюджетидан грантлар берган. Сўнгги вақтда ушбу қўмита учинчи сектор фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликни шакллантириш бўйича ишларни ўз зиммасига олган<sup>24</sup>. Германияда эса, оила, кекса фуқаролар, аёллар ва ёшлар ишлари бўйича қўмитанинг кичик қўмитаси (Фуқаролик фаолиги бўйича кичик қўмита) 2003 йил майда ташкил этилган. Унинг вазифасига Германиянинг фуқаролик жамиятини тадқиқ этиш тавсияларини бажаришга қўмаклашиш<sup>25</sup> ҳамда ўз йўналишидаги қонун лойиҳалари ва ташаббусларини муҳокама қилиш киради<sup>26</sup>.

Мазкур қайд этилган тажрибаларни мамлакатимиз амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси»<sup>27</sup> фаолият олиб бормоқда. Хусусан, ушбу қўмита ҳам Ўзбекистонда «учинчи сектор» фаолиятини ҳуқуқий асослар билан таъминлаш, амалдаги қонунлар ижросини назорат-таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Шунингдек, баъзи Европа давлатларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини амалга оширувчи ҳукумат даражасидаги ташкилотлар ҳам мавжуд. Мазкур ташкилотлар ушбу вазифа зиммасига юклатилган вазирликдан мустақилдир. Мисол учун, Хорватияда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик бўйича давлат бошқармаси ҳукумат даражасида фаолият юритади. Ушбу бошқарма 1998 йилда ташкил этилган бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига оид турли қонунчилик ташаббуслари бўйича ишчи гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда мазкур бошқарманинг вазифаларидан яна бири – фуқаролик жамияти институтларига грантлар бериш орқали уларни молиявий қўллаб-қувватлашдир. Ушбу ҳолатга яна бир мисол тариқасида Венгрия амалиётини келтиришимиз мумкин. 1998 йил Венгриянинг Бош вазир девонида «Фуқаролик жамияти билан алоқалар бўйича департамент» ташкил этилган бўлиб, ушбу департаментнинг вазифаси нотижорат секторга нисбатан сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришдир. Ушбу департамент «Фуқаролик секторига нисбатан давлат стратегияси»ни яъни, нотижорат секторни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг комплекс стратегиясини яратган.

Хорижий давлатларнинг ушбу амалиётини мамлакатимиз мисолида солиштириб кўрадиган бўлсак, 1998 йилга қадар алоҳида тузилма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибида фаолият олиб бориб, ННТни молиялаштиришни

<sup>24</sup> Государство и гражданское общество: практика эффективного взаимодействия. Международный опыт : сб. ст. и док. / сост. Е. Б. Тонкачёва, Г. Б. Черепок. – Минск: ФУ Аинформ, – 2009. – С. 266.

<sup>25</sup> Civic Activities: Towards a Civil Society with a Future, Бундестаг комиссияси ҳисоботининг қисқача мазмуни, 2002 й. Июнь // [http://www.bundestag.de/gremien/enga/02Zsf\\_en.pdf](http://www.bundestag.de/gremien/enga/02Zsf_en.pdf)

<sup>26</sup> Юлдашев А. Ижтимоий шериклик муносабатлари: миллий ва хорижий тажриба // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 2015. – № 3. – Б. 62-65.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий <https://parliament.gov.uz>.

грантлар бериш орқали амалга оширган. 2008 йилдан бу функция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди<sup>28</sup>га ўтказилган.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда хорижий мамлакатлардаги вазирликлар даражасида ўз йўналишида нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этувчи алоҳида тузилмаларнинг мавжудлигини давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаётган амалиёт сифатида қайд этишимиз мумкин. Хусусан, ҳукумат даражасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи алоҳида вазирлик ташкил этиш амалиётини Қозоғистон Республикаси мисолида кўришимиз мумкин, яъни 2016 йилда ушбу давлатда «Дин ва фуқаролик жамияти институтлари вазирлиги» ташкил этилган.

Шунингдек, Европа давлатларида ушбу субъектлар институционал ҳамкорлигининг энг кенг тарқалган шакли сифатида тармоқ вазирликлари билан ҳамкорликни қайд этишимиз мумкин. Яъни, фаолият соҳаси вазирлик тармоғига мос тушадиган фуқаролик жамияти институтлари ўз соҳасидаги сиёсат ва қонунчиликда ташкилотларнинг ва улар аъзоларининг қарашлари акс этишидан манфаатдорликлари табиий ҳолдир. Шу билан бирга, улар молиялаштиришдан манфаатдор бўлиб, вазирликлардан ушбу масалада ёрдам олишга ҳаракат қиладилар. Ўз ўрнида, бундай жараёнлар вазирликларга ҳам фойдалидир албатта, яъни улар вазирликларга ўз вазифаларини ўрнатилган тартибда ва самарали бажаришларида кўмак берадилар.

Шу билан бирга, баъзи ҳолларда маълум бир вазирлик амалда барча фуқаролик жамияти институтларига тааллуқли вазифалар ёки дастурларнинг бажарилиши учун масъуллигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Словакия Ички ишлар вазирлиги барча НХТларни рўйхатга олиш билан шуғулланади ёки Польшада 2003 йил июнида қабул қилинган «Ижтимоий фойдали ташкилотлар ва кўнгиллилик тўғрисида»ги янги қонуннинг ижроси учун Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги масъуллигини қайд этишимиз мумкин. Шу билан бирга, хорижий давлатлар тажрибасида вазирлик даражасидаги ҳамкорликда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтларини турли шаклларда қўллаб-қувватлашининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, Венгриянинг Болалар, ёшлар ва спорт ишлари бўйича вазирлиги НХТга вазирлик сайтида ўз ахборотини эълон қилиш имкониятини беради, бу билан бир соҳада фаолият олиб борадиган турли НХТлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради<sup>29</sup>.

Юқорида қайд этилган хорижий амалиётни мамлакатимиз мисолида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 10 июлдаги 843-І/515-І-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2008. – № 7. 410-модда.

<sup>29</sup> Боржелли Н. Давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги // Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба / тузувчилар: Н.Боржелли ва бошқ; таржимонлар: Э.М.Эрназаров, О.О.Оқюлов. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази. – Т., ART FLEX. – 2012. – Б. 33-38.

тўғрисида»<sup>30</sup>ги қонунига биноан, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади. Яъни, Ўзбекистонда ННТларни рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш Адлия вазирлигига юклатилган ва фақатгина шу вазирлик улар билан алоқада. Лекин, кўплаб вазирликлар ўз йўналишида фаолият олиб бораётган ННТлар билан самарали ҳамкорлик қилмайди. Бунинг ҳуқуқий механизмлари ҳам, институционал асослари ҳам шаклланмаган. Масалан, Меҳнат вазирлиги, Таълим вазирлиги ёки Ички ишлар вазирлиги мисолида буни кузатиш мумкин. Улар тизимида ННТлар билан ишлаш бўлими мавжуд эмас<sup>31</sup>.

Хулоса ўрнида, олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги масалани ўйлаб кўришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>32</sup>ги Қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юклатилган «нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлан-тириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашиш» деб белгиланган, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқ-лаштириш вазифасини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда зиммасида кенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўлган ички ишлар орган-ларига олиб бериш масаласини кўриб чиқиш лозим. Масалан, Ички ишлар вазирлиги тизимида назорат лицензия фаолияти билани шуғулланувчи бўлинмалар фаолият юритади. Ушбу вазифани мазкур бўлинмаларга тегишли штат бирликлари ажратган ҳолда бир йўналиш сифатида бириктириш масала-сини ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бугунги глобаллашув ва инсониятнинг тинч ҳамда осуда ҳаёти учун таҳдидлар кўпайган бир даврда хавфсизлик нуқтаи-назаридан ҳам ушбу ваколатни ички ишлар органларига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Яъни, ички ишлар органлари ташкил этилаётган фуқаролик жамияти институтларининг мақсади ва келгуси фаолият-тини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида назорат қилишда Адлия вазирлигига қараганда кенгроқ куч ва имкониятларга эгадирлар. Хусусан, юқорида Словакия Ички ишлар вазирлиги барча ННТларни рўйхатга олиш билан шуғулланиши қайд этилган эди.

---

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.

<sup>31</sup> Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари. Монография. Т. 2018 й. – Б.139.

<sup>32</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3666-сонли Қарор // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <http://Lex.uz>.